

# **БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЬМИНЛАШДА САНОАТНИНГ ҲУДУДИЙ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**У.Ш.Шукуров, таянч докторанти  
Қарши давлат университети**

Минтақада ишлаб чиқаришни жойлаштиришда унинг худудий таркиби, табиий-географик шароити ва аҳоли жойлашуви бирламчи омиллар қаторига киради. Жумладан, худуд аҳолиси ундаги меҳнат ресурсларини шакллантирса, табиий-географик шароти эса худудда иқтисодий фаолиятнинг маълум турларининг ривожланиши ва унинг ихтисослашувига сабаб бўлади. Шундай экан, мазкур жиҳатларни таҳлил қилиш худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш мақсадига хизмат қиласди.

Қашқадарё вилояти худуди 28,6 минг квадрат километрни ташкил этиб, 2 та шаҳар ва 14 та туманни ўз ичига олади. 2022 йилга қадар вилоятда 13 та туман мавжуд бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2022 йил 2 мартағи 1901-IV-сон<sup>119</sup> ҳамда Олий Мажлис Сенатининг 2022 йил 17 мартағи СҚ-503-IV-сон<sup>120</sup> “Қашқадарё вилояти Чироқчи туманининг чегараларини ўзгартириш ва Кўқдала туманини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари билан Кўқдала туманини ташкил этилди.

Ер майдони жиҳатидан энг йирик худудлар Дехқонобод (14,0 фоиз), Муборак (11,2 фоиз), Нишон (10,7 фоиз), Ғузор (9,3 фоиз) ва Қамаши (9,3 фоиз) туманлари саналади. Кўриниб турибдики, ҳажм кўрсаткичлари ўсиш суръатларига мос келмаяпти. Бунинг сабаби Муборак туманидаги 5 та йирик саноат корхоналарининг 3 таси республика бўйсунувига ўтказилгани ҳамда уларнинг статистикаси вилоят кўрсаткичларида акс этмаслиги билан боғлиқ. Натижада вилоятнинг йирик саноат ишлаб чиқарувчиси бўлган Муборак туманининг жами саноат маҳсулотидаги улуши 2021 йилга келиб 3,3 фоизга тушиб қолган.

Минтақа саноатининг ривожланиши ундаги аҳоли яшаш пунктларининг ўзаро яқин жойлашуви ва улар ўртасидаги иқтисодий ва транспорт алоқаларининг даражасига бевосита боғлиқ. Агломерация саноат, транспорт ва маданий алоқаларга эга бўлган худудларни ифодалаб, урбанизациянинг бир босқичи ҳисобланади. “Аҳоли пунктларининг яқинлиги баъзан агломерация деб аталадиган самарани беради. Шаҳар агломерацияларида саноат ва бошқа иқтисодий обьектларнинг макон бўйича концентрацияси туфайли харажатларни камайтириш орқали иқтисодий ва ижтимоий манфаатларга эришилади”<sup>121</sup>.

<sup>119</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 02.03.2022 йилдаги “Қашқадарё вилояти Чироқчи туманининг чегараларини ўзгартириш ва Кўқдала туманини ташкил этиш тўғрисида”ти №1901-IV сон қарори.

<sup>120</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 17.03.2022 йилдаги “Қашқадарё вилояти Чироқчи туманининг чегараларини ўзгартириш ва Кўқдала туманини ташкил этиш тўғрисида”ги №СҚ-503-IV сон қарори.

<sup>121</sup> Харченко К. В. Проблемы управления развитием городских агломераций: взгляд из г. Белгорода // Муниципальный мир. – 2009. – № 1-2. – С.49-57.

“Урбанизация иқтисодчилари агломерациянинг иккита асосий ўлчовидан фойдаланганлар. Биринчиси, жойлашув коэффициенти бўлиб, у маълум бир саноатдаги фирмалар алоҳида шаҳарларда қай даражада тўпланганлигини ўлчайдиган оддий тавсифловчи статистик кўрсаткичdir. Бу қайси худудларда маҳаллийлаштиришни жорий этиш мумкинлигини аниқлаш учун фойдалидир. Иккинчи ёндашувда ишлаб чиқариш функцияларини тўғридан-тўғри баҳоланиб, бу соҳанинг кўлам, маҳаллийлаштириш ёки урбанизация орқали ички иқтисодга мойил бўлган фирмалари аниқланади”<sup>122</sup>.

### 1-жадвал

#### Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқаришида худудларнинг улуси<sup>123</sup>

|                          | 2017 йил     | 2018 йил     | 2019 йил     | 2020 йил     | 2021 йил     |
|--------------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
| <b>Қашқадарё вилояти</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> |
| Карши шахри              | 14,3         | 13,5         | 12,2         | 20,2         | 17,2         |
| Шаҳрисабз шахри          | 2,2          | 2,4          | 1,5          | 2,2          | 1,7          |
| Ғузор                    | 21,9         | 20,5         | 22,1         | 18,5         | 18,1         |
| Дехқонобод               | 1,9          | 2,7          | 2,7          | 4,0          | 3,7          |
| Қамаси                   | 2,3          | 2,2          | 1,3          | 3,8          | 3,0          |
| Қарши                    | 2,7          | 4,8          | 3,6          | 4,2          | 5,6          |
| Косон                    | 4,1          | 4,3          | 3,2          | 5,2          | 4,2          |
| Китоб                    | 1,8          | 1,7          | 1,5          | 2,7          | 1,8          |
| Миришкор                 | 1,3          | 1,1          | 1,2          | 2,1          | 1,7          |
| Муборак                  | 29,8         | 29,2         | 31,8         | 4,3          | 3,3          |
| Нишон                    | 9,7          | 9,8          | 12,1         | 20,6         | 24,3         |
| Касби                    | 1,7          | 2,1          | 1,0          | 2,7          | 6,2          |
| Чироқчи                  | 1,7          | 1,7          | 1,5          | 2,5          | 2,3          |
| Шаҳрисабз                | 2,7          | 2,0          | 2,6          | 2,9          | 2,7          |
| Яккабоғ                  | 1,9          | 2,0          | 1,7          | 4,3          | 4,2          |

Юқоридаги ҳолат Қашқадарё саноатининг асосий тармоғи бўлган тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш фаолият тури улусининг қисқаришида ҳам акс этди. Жумладан, 2019 йилда жами саноат маҳсулотининг 44,9 фоизини ишлаб чиқарган бу тармоқнинг улуси 2021 йилга келиб 11,1 фоизни ташкил қилди. Айтиш жоизки, вилоятнинг Муборак, Ғузор, Нижон, Косон ва Дехқонобод туманлари ҳамда қарши шахри мазкур тармоққа юқори даражада ихтисослашган. Бироқ баъзи йирик корхоналар статистикасининг худудий саноатда акс этмаслиги жорий ихтисослашув ҳолатини аниқлашга тўскинлик қиласиди, бу бошқа муқобил кўрсаткичлардан фойдаланиш заруратини асослайди.

Қашқадарё вилоятининг йирик нефт ва газ саноати корхоналари Ғузор (4 та), Дехқонобод (1 та), Косон (2 та), Нижон (1 та), Муборак (4 та) туманлари ва Қарши шахрида (2 та) жойлашган. Жумладан, Ғузор туманида 8996 киши, Дехқонобод туманида 625 киши, Косон туманида 1494 киши, Нижон туманида 3465 киши, Муборак туманида 8370 киши ва Қарши шахрида 4607 киши бу

<sup>122</sup> McMillen, D. P. Urban Economics. Encyclopedia of Social Measurement, – 2005. P. 915–920.

<sup>123</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.

соҳада фаолият юритади. Улар худуддаги жами бандларнинг Ўззорда 11,9 фоиз, Дехқонободда 1,1 фоиз, Косонда 1,5 фоиз, Нишонда 6,1 фоиз, Муборакда 27,4 ва Қаршида 3,9 фоизини ташкил этади. Вилоядаги мазкур соҳада бандлар (32610 киши) жами бандларнинг (1214991 киши) 2,7 фоизини ташкил этади.

Қашқадарё 2011 йилда саноат маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон худудлари орасида 4-ўриндан жой олган бўлса, 2021 йилда 8-ўринга тушди. Шунингдек, вилоят истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича худудлараро рейтингда 7-ўриндан 9-ўринга тушган. Энергия ишлаб чиқариш бўйича республика худудлари орасида етакчи ўринларни эгаллаб, бугунги кунда мамлакатда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг қарийб 15 фоизи вилоятнинг ҳиссасига тўғри келади ва бу бўйича рейтингда 4-ўринда туради. Шу билан бирга, вилоят иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш бўйича ҳам 4-ўринни эгаллаб келмоқда. Хулоса қилганда, Қашқадарё вилояти иқтисодиётини барқарор ривожланишини таъминлашда худудларнинг саноат таркибини ривожлантиришга қаратилиган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳимдир.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:***

“Ўзбекистон 2030” стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармонига 1-илова. <https://lex.uz/ru/>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 02.03.2022 йилдаги “Қашқадарё вилояти Чироқчи туманининг чегараларини ўзгартириши ва Кўкдала туманини ташкил этиши тўғрисида”ги №1901-IV сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 17.03.2022 йилдаги “Қашқадарё вилояти Чироқчи туманининг чегараларини ўзгартириши ва Кўкдала туманини ташкил этиши тўғрисида”ги №СҚ-503-IV сон қарори.

Харченко К. В. Проблемы управления развитием городских агломераций: взгляд из г. Белгорода // Муниципальный мир. – 2009. – № 1-2. – С.49-57.

McMillen, D. P. Urban Economics. Encyclopedia of Social Measurement, – 2005. P. 915–920.

Erkaeva, G. P., & Shukurov, U. S. (2022). EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN INCREASING THE INVESTMENT ATTRACTIVENESS OF THE REGIONS. Gospodarka i Innowacje., 24, 234-238.

Gulbakhor, E. . (2023). Possibilities of increasing the standard of living of the population of the regions in socio-economic development. Best Journal of Innovation in Science, Research and Development, 2(9), 412–416.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Gulbakhor, E. ., & Golib, Z. . (2023). FUNDAMENTALS OF HUMAN CAPITAL DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN. Best Journal of Innovation in Science, Research and Development, 2(9), 417–422. Retrieved from <https://www.bjisrd.com/index.php/bjisrd/article/view/634>